

Ал-Азҳар Швеция ва Дания товарларини бойкот қилишга чақирди



11:49 / 28.07.2023 1759

Мисрдаги машҳур ислом университети ал-Азҳар мусулмон дунёсини Ислом динини ҳақоратлардан ҳимоя қилишга, Швеция ва Даниядан келадиган товарларни бойкот қилишга чақирди. Бу ҳақда iqna.ir манбаси хабар берди.

Мусулмон давлатлари ўз ҳукуматлари ва исломий ташкилотларига босим ўтказиб, муқаддас китобларни таҳқирлашга қарши, жумладан, иқтисодий чоралар кўриш орқали ҳам ягона позицияга эришиши керак.

Ал-Азҳар уламолари фикрига кўра, Қуръон муқаддас китоб сифатида исломофобларнинг ҳар қандай ғалаёнлари билан зарар кўрмайди, бироқ бу каби нафратли хатти-ҳаракатларни илдизида йўқ қилиш керак.

Ислом уламоларининг фикрича, Швеция ва Дания товарларига бойкот эълон қилиниши бу давлатлар расмийларининг исломофобик ҳаракатларга нисбатан ҳаракатсизлигига адекват жавобдир, деб ёзади Iqna нашри.